



*Муҳаррам РАҲМОНОВА,
Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази
етакчи кутубхоначиси*

ЗАМОНАГА ЯРАША БИНО

Бугун Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази деб юритиладиган зиё маскани 1936 йилда шаҳар кутубхонаси сифатида ташкил этилган. Дастлаб кутубхонанинг фонди 20 минг нусхадан иборат бўлган. Вилоят ижроия қўмитасининг 1942 йил 1 январь 1-сонли буйруғи билан Термиз шаҳар кутубхонаси базасида Н. В. Гоголь номидаги Сурхондарё вилоят кутубхонаси ташкил этилди. Мустақиллик

арафасида кутубхонанинг Усмон Чўтбоев раҳбарлигидаги жамоаси томонидан киритилган таклиф ҳамда вилоят ижроия қўмитаси ҳузуридаги атама-лар комиссиясининг 1991 йил 22 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши ижроия қўмитаси “Н. В. Гоголь номидаги вилоят кутубхонаси номини ўзгартириш тўғрисида” қарор чиқариб, кутубхонага Адиб Собир Термизий номи берилди.

Кутубхонамиз учун янги ва замонавий бинонинг бунёд этилиши бевосита Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббус ва топшириқлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 16 июндаги 208-сонли қарори билан амалга оширилди.

Мамлакатимизда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳаракати давлат сиёсати даржасига кўтарилган ҳозирги кунда Сурхондарё аҳолисига ва, айниқса, ёш авлодга бундай маданий-маърифий тухфа барчанинг кайфиятини осмон қадар кўтариб юборди, десак муболаға бўлмайди.



Ахборот-кутубхона марказида моддий-техника базаси тубдан янгиланди, замонавий андозларга мос равишда электрон кутубхона тизимлари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, бир вақтнинг ўзида 24 нафар китобхонларга ҳуқуқий ахборот етказиб берувчи зал ва 50 нафар фойдаланувчиларга мўлжалланган мутолаа зали тинч, ёруғ ва шином хоналар ўз фаолиятини бошлаган.


Маълумки, Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳудуддаги мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларига илмий-услубий марказ сифатида фаолият олиб боради, шуни ҳисобга олган ҳолда ходимларни замонавий ахборот-технологиялари асосида малакаларини ошириш ҳамда вилоят аҳолисини, ёшларни, қизиқувчиларни компьютер саводхонлиги бўйича ўқитиш учун мўлжалланган 16 ўринли ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Ундан ташқари ахборот-кутубхона марказида фойдаланувчиларни онлайн рўйхатдан ўтказиб, электрон аъзо қилиш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бу асосан dilib.uz сайтида амалга оширилади. Фойдаланувчилар рўйхатга олингандан кейин уларга АКМ ходимлари томонидан берилган логин ва пароль орқали dilib.uz сайтига кириб ўзлари учун зарур бўлган адабиётлардан бемалол баҳраманд бўлишлари мумкин.



Ушбу жараённинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, фойдаланувчилар дунёнинг исталган нуқтасидаги очиқ электрон ресурслардан китобларларга буюртма бериш ва мутолаа қилиш имконияти бор. Буюртмалар ахборот-кутубхона маркази томонидан 5 кун муддат ичида фойдаланувчиларнинг электрон манзилларига жўнатилади. Бу ҳозирги кундаги тез ва сифатли ахборот етказишнинг самарали усулларида ҳисобланган интерактив хизматларга қиради, яъни ҳужжатларни электрон етказиб бериш орқали масофадан туриб хизмат кўрсатилади, китобхоннинг вақти ва сарф-харажати тежалди.

Шунингдек, ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган 90 ўринли текин ва тезкор Wi-Fi зонаси барча фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар бу ерда интернет тармоқларига кириб, электрон китоблар, дунё янгиликлари, ўзлари учун керак бўлган қўлланмаларни олишлари, электрон почтаси орқали мулоқотни амалга оширишлари мумкин.

Аҳолига маънавият ёғдуларини таратувчи китоб олами дўкони ва ўқувчиларга қулай мутолаа муҳитини яратиб берадиган 59 ўринли китоб қаҳвахонаси (Book safe) фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ерда йирик маданий марказларда мавжуд кўриб, хавас қилган шароитлар муҳайё.



Айниқса, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган Электрон кутубхона – компьютерлар зали бир вақтда 36 нафар китобхонга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ҳамда миллий домен тармоғида кутубхонанинг виртуал мутолаа тизими орқали АКМ порталида мавжуд бўлган электрон ресурслардан эркин фойдаланиш имконияти биз ходимлар ва кенг китобхонлар оммаси учун қувонарлидир.

Қолаверса, ахборот-кутубхона маркази Сурхондарё вилоятига хос маданий-маънавий мерос, илм-фан тўғрисидаги маълумотлар марказлаштирилган рақамли архив вазифасини ҳам бажаради. Истиқболда юртдошларимиз бу ерда воҳага тааллуқли барча маълумотлар билан эркин танишиш имконига эга бўлиш бирга республикамизда чоп этилаётган турли янги адабиётларнинг электрон шакли билан доимий равишда тўлдириб бориш орқали китобсеварлар сонини, мутолаа ва китобхонлик маданиятини янада ошириш ниятимиз бор.

Зеро, донолар таъкидлаганидек, мамлакатнинг куч-қудрати унинг аҳолиси сони билан эмас, балки китобхони, халқининг маънавият даражаси билан ўлчанади. Мана шундай шарт-шароитлар, замон ва давр талабига мос кутубхоналар ватанамизнинг гуллаб яшнаши, ёшларнинг маънавий баркамол инсон, она юртини ардоқловчи авлод бўлиб етишишларига бекиёс ҳисса қўшиши табиийдир.



Бахтинисо ПЎЛАТОВА,
Жиззах вилояти ахборот-кутубхона маркази Ёшлар билан маънавий-маърифий ишлар олиб бориш сектори етакчи кутубхоначиси

КУТУБХОНАДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

I also conduct the spritual publicity among youth in LIC named after Sh. Rashidov I effort to arouse perfect young generation I am as will in constant search to explain youth about the incomparably position and endeavor them to become friends with books.

Инсон ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири уларнинг маънавий-маърифий ва ҳуқуқий билимлари бўлса, барча билимларнинг калити, манбаи эса бу китобдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларининг нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги фармойиши билан бошлаб берилган маънавий-маърифий ташаббусини жами-

ятимизнинг кенг қатламлари зўр мамнуният билан қарши олдилар. Чунки, давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча мутасадди ташкилотларнинг китоб мутолааси, китоб маҳсулотларини нашр этиш, тарқатиш ҳақидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари самараси ўларок, китобхонлик даражаси ошиб бораётганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Зеро, донишманд Э. Лабуле ёзган эди: “Таракқиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг